

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

5/S-son (4-jild)

**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/5 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**MUNDARIJA**

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

<i>Ulashova Sevinch Ulash qizi</i> CHIG'ATOY ULUSI BOSHQARUVI TARIXIDAN .....	8-13
<i>Gulmatov Umarali Xabibulla o'g'li</i> "XITOIY-O'ZBEKISTON-QIRG'IZISTON" TRANSPORT YO'LAGI TASHKIL ETILISHIDA O'ZBEKISTON ISHTIROKINING TARIXIY AHAMIYATI .....	14-18
<i>Dexkanov Narimon Burxonjonovich</i> ISMOIL SOMONIYNING BOSHQARUV TIZIMI VA QO'SHIN ISLOHOTI .....	19-22
<i>Saparbayerova Aziza Asror qizi</i> SURXONDARYO HUDUDINING BRONZA DAVRI MANZILGOHLARIDAN ANIQLANGAN ZARGARLIK BUYUMLARI TIPOLOGIYASI .....	23-28

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

<i>Muradullayeva Nafisa Dilmurad qizi</i> XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI FAOLIYATINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI ZAMONAVIY AXBOROT-KOMMUNIKATSIYALARI TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI .....	29-34
<i>Utkirov Anvar Utkirovich</i> KORXONALAR IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DIVERGENTSIYANI TIZIMLI TASHKIL ETISH TENDENSIYALARI .....	35-44

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

<i>Madraximov Jahongir Botirjon o'g'li</i> GLOBALLASHUV JARAYONLARINING YOSHLAR MA'NAVIY HAYOTIGA TA'SIRINING ASOSIY YO'NALISHLARI VA ULARNING XUSUSIYATLARI .....	45-52
<i>Rahmonova Feruza Bahromjon qizi</i> XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH – TAZYIQ VA ZO'RAVONLIKLARDAN ASRASHNING SAMARALI YO'LI SIFATIDA .....	53-58
<i>Aripova Zulfiyaxon Salijanovna</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA FALSAFIY FANLARNI O'QITISHNING DOLZARB MASALALARI .....	59-64

**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI**

<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> SHE'RIYATDA OBRAZ MUAMMOSI .....	65-73
<i>Hikmatova Nigina Akmalovna</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA AGORONIMLARNING ONOMASTIK KATEGORIYA SIFATIDAGI MILLIY-LISONIY BELGILARI .....	74-79
<i>Sultanova Xurshida Uktamjanovna</i> PUBLITSISTIK USLUB VA UNING TADQIQI (XURSHID DAVRON IJODI MISOLIDA) .....	80-86

<i>Asqarova Dilbarxon Asqarjon qizi</i> XRONOLOGIYA VA IJOD: INGLIZ VA O'ZBEK MA'RIFIY DRAMALARINI QIYOSIY O'RGANISH .....	87-91
--	-------

<i>Sodiqova Baxtigul Ibodullayevna, Mahmudova Nargiza Alimovna</i> J. FAULZNING "KOLLEKSIONER" ROMANIDA RIVOYAT USULLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	92-96
---	-------

<i>Miraxmedova Zilola Erkinovna</i> EVFEMIYA TIL FENOMENI. EVFEMIZMNI O'RGANISH TARIXI .....	97-101
---	--------

## 12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Абдуолимов Уринбой Худобердиевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ .....	102-110
--	---------

<i>Алишаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУҚМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА ИСБОТЛОВЧИ ФУНКЦИЯЛАРИ .....	111-119
---	---------

<i>Muhammadiyev Bahromjon Qodirjon o'g'li</i> OTALIKNI FAKTINI BELGILASH ISHI (BOTIR QODIROV VA JO'RAYEVLAR OILASI MISOLIDA) .....	120-124
--	---------

<i>Maxmudova Hurmatxon Muxtorovna</i> KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING DOLZARB MASALALARI TAHLILI: QONUNCHILIK VA AMALIYOT .....	125-135
--	---------

## 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Rashidova Oynisa Xusniddin qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARINING MUSTAQIL TA'LIMINI TASHKIL ETISHNI TAKOMILLASHTIRISH .....	136-140
--	---------

<i>Bakiyeva Xayotxon Abduganiyevna, Ergasheva Roziya Bahodir qizi</i> DARSLARDA ZAMONAVIY TA'LIM USULLARIDAN FOYDALANISH .....	141-146
---	---------

<i>Ганнаров Захид Ганнарович</i> ИССЛЕДОВАНИЕ НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ СИНХРОНИЗАЦИИ ДВИЖЕНИЙ В СИНХРОННОМ ПЛАВАНИИ .....	147-153
---	---------

<i>Qurbonova Dilafruz Toshturdiyevna</i> TALABA-QIZLARGA TEMURIY MALIKALAR MA'NAVIY MEROSI ASOSIDA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI O'RGATISHNING ZAMONAVIY USULI .....	154-159
---	---------

**12.00.00-YURIDIK FANLAR – LAW**

**Received:** 10 July 2024  
**Accepted:** 15 July 2024  
**Published:** 25 July 2024

*Article / Original Paper*

**ACTIVITY OF THE PROSECUTION OFFICES OF UZBEKISTAN AND TURKEY  
AND THE LEGAL BASIS OF ITS ORGANIZATION: COMPARATIVE LEGAL  
ANALYSIS**

**Abduolimov Urinboy Khudoberdievich**

Doctoral student at the Academy of Law Enforcement Agencies

Email: Abduolimovurinboy57@gmail.com

**Abstract.** In this article, based on the results of a study of the activities of the prosecutor's offices of both countries, the legal basis for its organization, specific conclusions and recommendations are formulated. In particular, although the two countries have made progress in improving the institutional and legal framework of the prosecutor's office, relatively significant differences have emerged in their approaches. It is also justified that the regulation of working and rest time for prosecutors in Turkey in a separate law ("Civil Servants Law") serves as a positive experience for Uzbekistan.

**Key words:** prosecutor's office, state, efficiency, transparency, accountability, modernization, independence.

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА  
УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАҲЛИЛ**

**Абдуолимов Уринбой Худобердиевич**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳар иккала мамлакат прокуратура органлари фаолияти, уни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш натижасига кўра, аниқ хулоса ва тавсиялар илгари сурилган. Жумладан, икки мамлакат прокуратура фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муваффақиятларга эришган бўлса-да, уларнинг ёндашувларида нисбатан сезиларли фарқлар кўрсатилган. Шунингдек, Туркияда прокуратура органлари ходимларининг иш вақти ва дам олиш вақтларини алоҳида қонунда ("Давлат хизматчилари тўғрисида"ги Қонун) тартибга солиниши Ўзбекистон учун ижобий тажриба бўлиб хизмат қилиши асослантирилган.

**Калит сўзлар:** прокуратура, давлат, самарадорлик, шаффофлик, жавобгарлик, модернизация, мустақиллик

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI5Y2024N16>

Маълумки, прокуратура давлатда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда асосий рол ўйнайди. Ҳуқуқий ландшафтлар ривожланиб борар экан, Ўзбекистон ва Туркия каби давлатлар ўз прокуратураларининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини доимий равишда такомиллаштириш муҳимлигини тан оладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам, Туркияда ҳам прокуратура органларининг ташкилий тузилмасини



мустаҳкамлаш бўйича ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу самарадорлик, шаффофлик ва жавобгарликни оширишга қаратилган тизимли ислохотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда илгари сурилган ташаббуслар прокуратура тизимини тартибга солишга қаратилди, мамлакатда юзага келаётган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда прокуратура органлари тузилмасини марказлаштириш ва модернизация қилиш чоралари кўрилди.

Ҳуқуқий ислохотларнинг узоқ тарихига эга Туркия прокуратура тизимида ҳам ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатда уюшган жиноятчилик, терроризм ва кибержиноятчилик каби муаммоларни ҳал қилиш учун махсус бўлинмалар ташкил этилди. Ушбу ихтисослаштирилган бўлинмалар ривожланаётган жиноий таҳдидларга янада мақсадли ва самарали жавоб беришга имкон яратди. Шунингдек, Туркияда прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилди.

Таъкидлаш лозимки, иккала давлатда ҳам ўзгарувчан ижтимоий эҳтиёжлар ва халқаро стандартларга мослашиш учун муҳим ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар прокурорларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришлари учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдавор яратишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотлар прокурорларни терговнинг замонавий воситалари билан таъминлаш ва шахс ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашни ўз ичига олади. Шунингдек, мамлакатимизда прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриб борилди.

Шу каби, Туркия ўзининг адлия тизимини замонавий стандартларга мослаштириш учун ҳуқуқий ислохотларни амалга оширди. Туркия Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси процессуал кафолатларни кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноий тергов ва таъқиблар самарадорлигини ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилди. Туркия прокуратурасининг мустақиллигини ошириш ва унинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Ҳар қандай институционал тизимнинг норматив-ҳуқуқий асоси бўлгани каби Туркия прокуратурасининг фаолияти ҳам, энг аввало, Туркия миллий қонунчилиги билан тартибга солинади. Туркия прокуратураси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Туркия Конституцияси, шунингдек, турли низом ва қоидаларда белгиланганлиги алоҳида эътиборга молик.

Туркия прокуратурасининг тузилиши, вазифалари ва функциялари, биринчи навбатда, Конституция [1], Жиноят-процессуал кодекси [3] ва “Судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Қонун [2] да белгилаб ўтилган.

Назаримизда, Туркия прокуратураси фаолияти ва уни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, суд ҳокимияти ва прокуратура органларининг мустақиллиги – суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлайди. Одил судловни адолатли ва холис амалга ошириш учун прокурорларнинг мустақиллиги ҳам бевосита мазкур Конституцияда кўрсатиб ўтилган.

*Иккинчидан*, Туркия прокуратураси иерархик тарзда ташкил этилган бўлиб, прокурорлар турли даражаларда, жумладан, Олий Кассация суди, вилоят судлари ва маҳаллий судларда фаолият юритадилар. Бош прокурор турли даражадаги прокуратура органларига раҳбарлик қилади, прокурорлар эса унинг назорати остида ишлайди.

*Учинчидан*, Туркиянинг Жиноят-процессуал кодекси жиноий тергов ва суд жараёнларини тартибга солади. Унда жиноят иши қўзғатиш ва юритишда прокурорларнинг ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилган.

*Тўртинчидан*, “Прокурорлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонун судьялар ва прокурорлар билан боғлиқ лавозимларга тайинлаш, лавозимга кўтарилиш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини тартибга солади. Шунингдек, Судьялар ва прокурорлар олий кенгашининг (SSYK) тузилиши ва фаолияти ҳам ушбу Қонун билан тартибга солинади.

*Бешинчидан*, прокурорлар жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан тергов бошлаш, далиллар тўплаш ва айб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар, шунингдек, жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш чоғида судда давлат номидан иштирок этишади, жиноятга оид далилларни тақдим этади ва ҳуқуқни қўллаш юзасидан баҳс-мунозарага киришадилар.

*Олтинчидан*, Судьялар ва прокурорлар олий кенгаши судьялар ва прокурорларга нисбатан интизомий иш юритиш ва бошқа жазо чораларини қўллаш ваколатига эга. Бунда касбий хулқ-атвори бузганлик учун интизомий ва бошқа турдаги жазо чоралар қўлланилиши мумкин.

*Еттинчидан*, Туркия прокуратураси халқаро ҳамкорлик, айниқса, трансмиллий жиноятларга қарши кураш масалаларида фаол ҳамкорлик қилади. Мазкур ҳамкорлик экстрадиция бўйича сўровлар, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўз ичига олади.

Мамлакат суд тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган Туркия прокуратураси унинг мустақиллиги, масъулияти ва адолат тамойилларига риоя этилишини таъминлайдиган қонуний асосда фаолият юритади.

Туркияда прокурор вазифасини суд тизимида прокурорлар, маъмурий судлов тизимида Давлат кенгаши прокурорлари, ҳарбий судларда ҳарбий прокурорлар ва Олий ҳарбий маъмурий суд прокурорлари ва иқтисодий судларда эса ҳисоб прокурорлари томонидан томонидан амалга оширилади [4].

Умуман олганда, Туркия прокуратура тизими хусусида турк олимлари турлича фикр билдиришади. Хусусан, айрим муаллифларнинг фикрича, давлат айбловчиси ижро ҳокимияти таркибига киради [5]. Бунинг тасдиғи сифатида прокуратуранинг Адлия вазири буйруғи ва назорати остида фаолият юритиши, давлат номидан иш юритиши, прокуратура давлат хизмати эканлигини кўрсатиб ўтишса, машҳур ҳуқуқшунос олим С.Кейман прокуратура миллий суверенитетни ифодаловчи маъмурий тузилмага эга адлия органи эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, прокуратурани ижро этувчи ҳокимият таркибига киритиш мумкин эмас, шунингдек, судьялик вазифасини бажармаганлиги сабабли уни суд ҳокимияти таркибига киритишнинг ўзи мантиқсизлик, шунинг учун ҳам прокуратура ўзига хос хусусиятга эга бўлган ва халқ номидан ваколатларни амалга оширадиган адолатни ҳимоя қиладиган алоҳида орган [6]. Бошқа бир фикрга кўра, прокуратура ижро ҳокимияти вазифасини бажарувчи Адлия

ва суд ҳокимияти тизими кесишмасида жойлашган алоҳида органлигига урғу берилади [7].

Фикримизча, ташкилий тузилиши жиҳатидан прокуратурага маъмурий тузилмага эга бўлган суд органининг бир қисми сифатида қаралиши тўғри бўлади, боиси 1961 ва 1982 йилги Туркия Конституцияларида прокурор ижро ҳокимияти таркибига киритилган бўлса, прокурорларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қоидалар ижро ҳокимиятини тартибга солувчи иккинчи бўлимда тартибга солинган бўларди [8]. 1982 йил Конституцияда прокуратура суд соҳасини тартибга солувчи 139-моддада қайд этилган [9]. Прокуратура ўзининг маъмурий вазифалари бўйича Адлия вазирлигининг назорати остида бўлиб, ҳатто Конституциянинг 140-моддасига кўра, Адлия вазирлигига боғланган бўлса-да, тўлиқ ижро этувчи орган таркибига кирувчи тузилма ҳисобланмайди. Фикримизнинг исботи сифатида Конституциянинг айни шу моддасига мувофиқ судьялар ҳам ўзларининг маъмурий вазифалари бўйича Адлия вазирлигига бевосита алоқадорлигини ҳисобга олсак, судларни ҳам Адлия вазирлиги таркибига киритишимиз лозим бўлади [10]. Натижада, прокурорларнинг ўз маъмурий вазифалари бўйича Адлия вазирлигига боғланганлиги уларнинг мустақиллигига шубҳа туғдириши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Конституциясининг 138-моддасида прокуратурани ўз ичига олган суд ҳокимиятининг Турк миллати номидан мустақил равишда амалга оширилиши тамойили белгилаб қўйилган. Унга кўра, “Судьялар ўз вазифаларини бажаришда мустақилдирлар, улар Конституцияга ва қонунга мос келадиган шахсий эътиқодига мувофиқ ҳукм чиқарадилар. Ҳеч бир орган, ҳокимият, идора ёки шахс судларга ёки судьяларга суд ҳокимиятини амалга оширишга доир буйруқ ёки кўрсатмалар бериши, уларга кўрсатмалар юбориши, тавсиялар ёки таклифлар бериши мумкин эмас. Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиган масала бўйича суд ҳокимиятини амалга оширишга оид саволлар берилмайди, баҳс-мунозаралар ўтказилмайди ва бирон-бир сўз айтилмайди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар ва бошқарув органлари суд қарорларини бажариши, ушбу органлар ва маъмурият уларни ҳеч қандай тарзда ўзгартирмаслиги ёки бажарилишини кечиктирмаслиги керак [11]”.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 1-моддасида: “Ушбу Кодекснинг мақсади – шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш қоидаларини белгилаш орқали жиноят процессининг тергов ва судлов босқичларига оид тамойиллар ва тартибларни адолатли, тез ва самарали иш юритиш ҳамда Қонуннинг ягона қўлланилишини таъминлайдиган тарзда тартибга солиш, шунингдек суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатлилиги ва холислигини таъминлашдан иборат” эканлиги қайд этилган. Мазкур модда жиноят процессида суд ҳокимиятининг, жумладан, прокурорларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган асосий нормалардан бири саналади.

Прокуратура фаолиятининг мустақиллигини таъминловчи яна бир асосий нормалардан бири “Судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра: “Судьялар ва прокурорларни лавозимга тайинлаш, рағбатлантириш, бошқа жойга кўчириш ва бошқа кадрлар билан боғлиқ масалаларнинг тамойиллари ва тартиби Қонун билан тартибга солинади” деб

таъкидланган. Ушбу моддада прокурорларни лавозимга тайинлаш ва бошқа масалаларнинг Қонун билан тартибга солиниши уларнинг мустақиллигига хизмат қилишини кўриш мумкин бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур Қонуннинг 5-моддасида: “Кенгаш аъзолари (*Судьялар ва прокурорлар Олий кенгаши*) ҳеч қандай орган, шахс ёки органдан ҳеч қандай кўрсатма, топшириқ ёки сўров олмайдилар. Кенгаш аъзолари ўз вазифаларини бажаришда мустақил ҳаракат қиладилар” деб таъкидланган. Бундан ташқари, Қонуннинг 10-моддасига кўра, давлат прокурорлари ўз вазифаларини мустақил ва холис бажарашлари, ҳеч қандай орган ва шахсдан кўрсатма, топшириқ ёки сўров олмаслиги, Қонун устуворлиги принциплари талабларига зид ҳаракат қилмаслиги қатъий белгиланган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қайд этилган ҳуқуқий нормалар бевосита Туркия прокуратура органлари мустақиллигининг норматив-ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос принциплари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг мустақиллиги деярли Туркия тизимидан бирмунча фарқ қилади, яъни қуйи поғонадаги прокурорлар юқори поғонадаги прокурорларга бўйсунуш тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказлашган тизимни ташкил этадилар. Ушбу тамойил барча даражадаги прокурорлар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг бирлигини ҳамда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш шакли ва услубларининг умумийлигини, қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан прокурорнинг таъсир кўрсатиш воситалари, шунингдек қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўришнинг ягоналигини англатади. Прокуратуранинг ягона ва марказлаштирилганлиги прокуратура тизимининг барча бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишларининг назоратини амалга оширишда ифодаланади. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ягона қонунчиликнинг ўрнатилишини таъминлайди.

“Судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Қонун Туркияда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва тузилишини тартибга солувчи яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Судьялар ва прокурорлар Олий Кенгаши судьялар ва прокурорлар билан боғлиқ лавозимларга тайинлаш, юқори лавозимга кўтариш ва интизомий жавобгарлик, уларнинг ваколатлари каби масалаларни бевосита тартибга солади. Хусусан, Қонуннинг 8 ва 10/А-моддаларда прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси, прокурорларнинг вазифа ва ваколатлари кўрсатиб ўтилган. 9-моддада эса Бош прокурор ва прокурорларни тайинлаш тамойиллари белгилаб берилган.

Қизиқарли томони шундаки, Қонуннинг 51-моддасига кўра, судьялар ва прокурорлар Адлия вазирлигига ёзма ариза билан мурожаат қилиб, ўз касбидан воз кечиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишлари мумкин. Касбдан воз кечиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилган шахс унинг илтимоси қабул қилинмагунча ўз вазифасини бажаради, бироқ, агар сўров берилган кундан бошлаб бир ой ичида жавоб олинмаса, у ўз лавозимини тарк этиши мумкин. Фавқулодда узрли сабабларга кўра

касбни тарк этганлар, Адлия вазирлигига маълум қилиш шarti билан бир ойлик рўйхатга олинмайди. Рухсатсиз ёки мақбул баҳоналарсиз вазифаларини тарк этган ва бу ҳолат узлуксиз ўн кун давом этган ёки бир йил давомида жами ўттиз кун хизматга келмаганлар касбдан воз кечган деб ҳисобланади. Судьялар ва прокурорлар сиёсий партияларга аъзо бўлишлари мумкин эмас, аъзо бўлганлар эса прокурорлик фаолиятини тарк этган ҳисобланади.

Қонуннинг 62-моддасида судьялар ва прокурорлар томонидан лавозими ва мажбуриятлари талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар аниқланганда, вазиятнинг табиати ва оғирлигига қараб, Судьялар ва прокурорлар олий кенгаши томонидан қуйидаги жазолардан бири қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай ҳаракатлар содир этилганда қуйидаги жазолардан бири қўлланилади:

- а) огоҳлантириш;
- б) иш ҳақидан ушлаб қолиш;
- с) танбех;
- д) даража ёки унвонлар берилишини маълум муддатга тўхтатиб қўйиш;
- э) лавозимдан лавозимга кўтарилиши ёки бошқа жойга ўтказилишини тўхтатиб қўйиш;
- ф) ишдан бўшатиш.

Назаримизда, Туркия прокуратура тизимининг бошқа ҳуқуқ тизимларидан фарқли жиҳатларидан бирини, айнан мазкур моддадан кўриш мумкин, бу – Адлия комиссияси раисларининг судьялар ва прокурорларга жазо қўллаш масаласида кенгашга ҳулоса киритиши билан боғлиқдир.

Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан яна бири 69-моддада кўрсатилган бўлиб, агар ходим қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этса ишдан бўшатиш учун асос бўлади. Эътиборлиси, ишдан бўшатиш хизматга қайта қабул қилинмаслик шarti билан амалга оширилади. Ходим Жиноят кодексига мувофиқ, бир ойдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки афв этилган бўлса ҳам Қонуннинг 8-моддаси “ҳ” бандида санаб ўтилган жиноятлардан бирини содир этганлиги учун судланганлиги касбдан четлаштиришни талаб қилади. Бироқ, жиноят содир этганлиги учун ҳукм чиқарилмаган ёки ҳукм чиқарилиши ортга сурилганлиги бундан мустасно саналади.

Жиноят касбий шаън ва қадр-қимматини поймол қилган ёки касбга бўлган умумий ҳурмат ва ишончга путур етказган деб топилса, касбдан четлатиш жазоси қўлланилади.

Эътиборга молик яна бир жиҳат – Туркия прокуратура органлари ходимларининг иш вақти, дам олиш вақтлари ва навбатчилик каби масалалар алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишидадир. Хусусан, судьялар ва прокурорларнинг кунлик ва ҳафталик иш вақтлари “Давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонун [12] га мувофиқ тартибга солинади. Мисол учун, улар хизмат талаблари ва навбатчилик хусусиятларидан келиб чиқадиган ҳолларда иш вақтидан ташқари ва байрамларда навбатчилик қилишади. Навбатчиларнинг навбатчилик кунлари, соатлари, дам олиш ҳуқуқлари прокурорлар учун Судьялар ва прокурорлар олий кенгаши томонидан тасдиқланган йўриқномалар асосида бош прокурорлар, судлов ҳайъатлари раҳбарлари томонидан уларнинг фаолияти ва штат ҳолатига кўра, шунингдек, иш юритиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Бугунги кунда халқаро ҳамкорлик соҳасида Туркия прокурорларига берилган асосий ваколатлардан бири бу – экстрадиция жараёнини бошлаш ва назорат қилиш ваколатидир. Экстрадиция – бу бир давлатда жиноят содир этганликда айбланаётган ёки судланган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки жазони ўташ учун бошқа давлатга ўтказиш мумкин бўлган қонуний процессуал жараён. Давлат вакили бўлган прокурорлар давлатлар ўртасида имзоланган икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар / битимлар асосида экстрадиция қилиш тўғрисидаги сўровларни тайёрлаш

ва тақдим этиш ваколатига эга саналади.

Бунда прокурор томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар қуйида баён этиладиган Қонунлар ва норматив-ҳуқуқий асослар билан тартибга солинади. Жумладан, Туркия Жиноят кодекси, нафақат, турли жиноятлар кўриб чиқиш ва таъқиб қилиш учун қонуний асос яратади, балки экстрадиция ва жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ қоидаларни ҳам ўз ичига олади.

Бундан ташқари, прокурорлар, шунингдек, жиноий тергов ва таъқиблар учун далиллар тўплаш ва маълумот топишда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ўз ичига олган ўзаро ҳуқуқий ёрдам билан боғлиқ муҳим ваколатларга ҳам эга ҳисобланади. Бу каби ҳаракатларни амалга ошириш “Жиноят ишлари бўйича халқаро суд ҳамкорлиги тўғрисида”ги 5717-сон Қонун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур Қонун жиноят ишлари бўйича халқаро суд ҳамкорлигига оид муносабатларни тартибга солади. Унда экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва хорижий давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари тўғридан тўғри ёритилган ҳамда ҳар бир жараёндаги прокурор ваколатлари бирма-бир санаб ўтилган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексида ҳам Туркияда жиноий тергов ва суд жараёнларини ўтказиш қоидалари ва тартиблари белгилаб берилган. Унда хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш, халқаро сўровлар бериш ва чет элдан олинган далилларни кўриб чиқиш билан боғлиқ процессуал қоидалар келтирилган.

Назаримизда, Туркия миллий қонунчилигининг энг ижобий намуналаридан бири “Экстрадиция тўғрисида”ги 6132-сон Қонун бўлиб, ушбу Қонун экстрадиция қилиш тартиби ва шартларини белгилайди. Прокурорлар айнан ушбу Қонун доирасида далилларни тўплаш, экстрадиция қилиш тўғрисидаги сўровларни тайёрлаш ва жиноят иши қўзғатилган шахсларни топширишни таъминлаш учун дипломатик ва ҳуқуқий жараёнларда иштирок этишади.

Прокурорлар кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа мамлакатларнинг прокурорлари билан биргаликда тергов ва суриштирув ишларида ҳамкорликни амалга оширадилар. Ушбу ҳамкорликдаги ёндашув мураккаб ва трансчегаравий жиноий фаолиятга қарши самарали курашиш учун ресурслар, тажриба ва разведка маълумотларини бирлаштириш имконини беради.

Умуман олганда, прокурорларнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ваколатлари трансмиллий жиноятчиликнинг мураккаблиklarини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва қўшимча тергов ҳаракатларида иштирок этишда прокурорларга давлатлараро ҳуқуқий тизимларнинг мураккаб томонларини ўрганиш, ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро миқёсда адолатни

таъминлашга ёрдам беради. Бутун дунё жинойтчиликнинг миллий чегаралардан ташқарида ривожланаётган шакллари билан курашишда давом этар экан, халқаро ҳамкорликдаги прокурорларнинг роли ва ваколатлари қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади.

**Ҳар иккала мамлакат прокуратура органлари фаолияти, уни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш натижасига кўра, қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари суриш мумкин бўлади:**

*биринчидан*, Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам прокуратура фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муваффақиятларга эришган бўлса-да, уларнинг ёндашувларида нисбатан сезиларли фарқлар кўзга ташланади. Ўзбекистонда амалга оширилётган ҳуқуқий ислохотлар асосан прокуратура органларини ихтисослаштиришга қаратилган бўлса, бундан фарқли ўлароқ, Туркия прокуратураси мавжуд тузилмаларни такомиллаштириш, прокуратура органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, прокуратуранинг вазифа ва ваколатларини аниқ бир қонун ҳужжатлари доирасида тартибга солиш ҳамда процессуал қафолатларни кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

*иккинчидан*, гарчи Туркияда Ўзбекистондаги каби прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинмаган бўлса-да, бу зарурий ҳуқуқий асослар яратилмаганлигини англатмайди. Туркия прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари сифатида: Туркия Республикаси Конституцияси, “Давлат хизматчилари тўғрисида”, “Судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари хизмат қилади.

*учинчидан*, Туркияда прокуратура органлари ходимларининг иш вақти ва дам олиш вақтларини алоҳида қонунда (*“Давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонун*) тартибга солиниши Ўзбекистон учун ижобий тажриба бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, миллий қонун ижодкорлиги амалиётида бу каби қонунлар қабул қилиниши ёки амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ушбу масалаларни алоҳида бўлим (боб, модда)да тартибга солиниши бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Бунда: рағбатлантириш ва интизомий жазо турлари ва уларни қўллаш тартиби, хизмат текширувини тайинлаш ва ўтказиш тартиби, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, текширув муддатлари, текширув ўтказилаётган вақтда ходимни ишдан четлатиш асослари ва тартиблари, прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимларнинг иш вақти ва меҳнат таътили, прокуратура органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий қафолатлари каби масалаларни тартибга солиш таклиф этилади.

*тўртинчидан*, Ўзбекистонда ҳам Туркия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура фаолияти кириб борган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол тариқасида, “Жиноят ишлари бўйича халқаро суд ҳамкорлиги” ва “Экстрадиция тўғрисида”ги қонунлар келтириш мумкин. Бу каби қонунларнинг қабул қилиниши прокуратура органлари фаолиятининг соҳавий ҳуқуқий асосларини яратиш билан билан бирга, фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. [Электрон манба]:  
<https://www.ilo.org/dyn/travail/docs/2435/Constitution%20of%20Turkey.pdf>  
(мурожаат вақти: 08.10.23)
2. [Электрон манба]: <https://www.mevzuat.gov.tr/mevzuatmetin/1.5.5271.pdf>.  
(мурожаат вақти: 10.10.23)
3. [Электрон манба]: <https://www.mevzuat.gov.tr/mevzuatmetin/1.5.2802.pdf>.  
(мурожаат вақти: 13.10.23)
4. Hakeri H., Ünver Y. Ceza Muhakemesi Kanunu, Ankara: Adalet Yayınevi, 2010. – S. 188.
5. Soyaslan D. Ceza Muhakemesi Kanunu, Ankara: Etkin Yayınları, 2010. – S. 180; Yurtcan E. Ceza Muhakemesi Kanunu, 11.baskı, İstanbul: Vedat Kitamakhir, 2005. – S. 132.
6. Kayman S. Ceza davalarında savcılık, Ankara: Ankara Üniversitesi Hukuk Fakültesi Yayınları, – S. 74.
7. Öztürk B. Tezjan, D. Erdem, M. R. Sırma, Ö. Saygılarımla Y. F., Alan E. – S. 213.
8. [Электрон манба]: [https://www.anayasa.gov.tr/media/7258/anayasa\\_eng.pdf](https://www.anayasa.gov.tr/media/7258/anayasa_eng.pdf).  
(мурожаат вақти: 08.10.23)
9. Öztürk B. Tezjan D. Erdem M.R. Sırma Ö. Saygılarımla Y. F., Alan E. – S. 213.
10. “Savcının hukuki sorumluluğu” prof. Dr. Bilge Öztan'a saygı duruşu, Ankara, – S. 713-759.
11. [Электрон манба]:  
<https://www.ilo.org/dyn/travail/docs/2435/Constitution%20of%20Turkey.pdf>  
(мурожаат вақти: 21.10.23).
12. [Электрон манба]: <https://www.mevzuat.gov.tr/mevzuatmetin/1.5.657.pdf>



# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/5 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).